

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**МУСАЕВ ДИЛШОД МУХАММАДЖАНОВИЧ**

**ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН (HEMIPTERA: MIRIDAE) СЎҒИР  
ҚАНДАЛАЛАРИ  
(фаунаси, экологияси, хўжалик аҳамияти)**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Мусаев Дилшод Мухаммаджанович**

Жанубий Ўзбекистон (Hemiptera: Miridae) сўқир қандалалари (фаунаси, экологияси, хўжалик аҳамияти)..... 3

**Мусаев Дилшод Мухаммаджанович**

Клопы мириды (Hemiptera: Miridae) Южного Ўзбекистана (фауна, экология, хозяйственное значение)..... 21

**Musaev Dilshod Mukhammadjanovich**

Plant bugs (Hemiptera: Miridae) of South Uzbekistan (fauna, ecology, economic importance)..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**МУСАЕВ ДИЛШОД МУХАММАДЖАНОВИЧ**

**ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН (HEMIPTERA: MIRIDAE) СЎҚИР  
ҚАНДАЛАЛАРИ**  
(фаунаси, экологияси, хўжалик аҳамияти)

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/B165 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Зоология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.zoology.uz](http://www.zoology.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Холматов Бахтиёр Рустамович**  
биология фанлар доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Медетов Махсетбай Жапакович**  
биология фанлар доктори

**Зокиров Исломжон Илхомжонович**  
биология фанлар доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Зоология институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.B.52.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «23» декабр куни соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232<sup>б</sup> - уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65; факс: (+99871) 289-10-60; E-mail: [zoology@academy.uz](mailto:zoology@academy.uz))

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 35 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232<sup>б</sup> - уй. Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2020 йил «11» декабр куни тарқатилди.

(2020 йил «11» декабрдагидаги 6-рақамли реестр баённомаси)

**Д.А. Азимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор, академик

**Г.С. Мирзаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

**Э.Б. Шакарбоев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Дунё миқёсида юз бераётган иқлим ўзгаришлари ва антропоген омиллар агроценозларда фаунистик компонентларнинг салбий таъсир даражаси ўзгариши ҳамда янги зараркунандаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, охириги 10-15 йилда зарарли қандалаларнинг *Creontiades*, *Lygus* ва *Apolygus* авлодига мансуб 20 га яқин тури пахтачилик ривожланган АҚШ, Австралия, Хитой, Ҳиндистон, Конго, Судан ва Миср каби қатор давлатларнинг ғўза агроэкоценозларида кенг тарқалиб, ҳосилдорликка катта зиён етказмоқда. Мазкур гуруҳ хашаротларининг аксарияти ўсимликхўр бўлиб, улар 200 дан ортиқ ўсимлик турлари билан озиқланади. Масалан, АҚШ да *Lygus* авлодига мансуб *Lygus hesperus* тури ғўза ҳосилига йилига 30 млн., бошқа кишлок хўжалик экинларига 40 млн доллар миқдоридида иқтисодий зарар келтирмоқда, Калифорнияда эса сўқир қандалалар кишлок хўжалигида умумий зараркунандаларнинг 10 % ни ташкил этиб, йилига 56 млн. доллар қийматида зарар келтирмоқда<sup>1</sup>. Шундан келиб чиқиб, сўқир қандалаларнинг тарқалиши ва тур таркибини аниқлаш, зарар келтириш хусусиятларини изоҳлаш ҳамда зарарли турларга қарши самарали кураш усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари асосий ўриндаги вазифа бўлиб турган ҳозирги вақтда, кишлок хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда зараркунанда хашаротларга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар алоҳида эътиборга молик. Гарчи сўқир қандалаларнинг аксарияти зараркунанда ҳисобланса-да, аммо улар орасида зараркунанда хашаротларни қириб фойда келтирадиган турларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада ҳозирда дунё миқёсида фойдали сўқир қандалаларнинг 7 кенжа оила 561 авлодга мансуб 3400 та тури рўйхатга олинган. Бу ўринда, агробиоценозларда тарқалган сўқир қандалаларнинг зарарли ва фойдали турлари биоэкологияси ҳамда ўсимликлар билан трофик алоқаларини изоҳлаш асосида биологик ва кимёвий кураш чораларини қўллаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда кишлок хўжалиги экинларини зарарли организмлардан ҳимоя қилиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада, жумладан, мамлакат миқёсида қандалалар энг кўп тарқалган худуд – Сурхондарё вилоятида 2018 йил мавсумида 143714 га, 2019 йилда эса 78500 гектар ғўза майдонларида тарқалган *Creontiades pallidus* қандаласига қарши кураш учун давлат бюджетидан йилига 10 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Wheeler A.G. Biology of the Plant Bugs (Hemiptera: Miridae): Pests, Predators, Opportunists. –New York, 2001. – 507 pp.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

«атроф-муҳит ҳолатига зарар етказадиган муаммоларнинг олдини олиш» каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, республикамизнинг жанубий ҳудудларида тарқалган сўқир қандалалар тур таркибини аниқлаш, агробиоценозларда тарқалишини ва фаунасининг шаклланишини очиб бериш, зарарли турларига қарши самарали кураш усуллари ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 6 августдаги 116-II сонли «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 24 октябрдаги ПҚ-2640-сон «Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизматларни кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 4 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти ва Зоология институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 августдаги «Сурхондарё вилоятида ғўзанинг ўсимликхўр қандалалар билан зарарланишининг олдини олиш ва зараркунандаларга қарши курашишни самарали ташкил этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 69-сонли йиғилиш баёни ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўқир қандалаларнинг систематикаси, биологияси, экологияси, филогенези ва зарарли турларига қарши кураш бўйича А. Rambur (1805; 1807; 1808; 1810), G. Slater (1950), E.B. Wagner (1955), F.H. Fieber (1858), L.A. Kelton (1959), H. Schmitz (1976), R.B. Poppius (1909), E.J. Malipatil (1997), R.T. Schuh (1995), E. Chérot (1998), M. Khan (1999), L. Hernández (2010), J. Henry (2010), J.I. Nakash (1989), A. Pearson (1958), P. Stam (1987), T. Yasunaga (1994; 1997; 1999; 2004; 2011), S. Rohini (2009), S.H. Mahdi (2000; 2002), N. Demrel (2009) каби хорижий олимлар томонидан қатор изланишлар олиб борилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида қандалалар, хусусан, сўқир қандалалар фаунаси, биологияси ва экологик хусусиятларига доир И.М. Кержнер (1974; 1992; 1999; 2008), В.Г. Пучков (1977; 1978), Р.Б. Асанова (1966), Б.В. Исаков (1976), И.С. Драполок (1980), И.Ф. Зайцева (1997), Н.Н. Винокуров (1995), Е. Валерьевна (2008), П.А. Есенбекова (2013), В.Б. Голуб (1989), Н.Н. Муминов (1989), Д.Б. Чилдибаев (1985), А.М. Атакишиева (1988) лар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Мамлакатимизда мазкур соҳада И.В. Васильев (1918; 1924), С.Н. Алимухаммедов (1960), В.И. Сербинов (1930); К.Н. Завадовский (1933), Р.А. Алимджанов (1960), М.М. Останова (1957), Е.М. Соболева (1957), А.Ш. Хамраев (1992; 1993; 2000; 2005; 2011; 2012;), А.С. Болтабаев (1995), А.Х. Қўчқоров (2007) ва Ш.Т. Хўжаев (2017; 2018; 2019; 2020) лар томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Бироқ, юқоридаги тадқиқот ишлари Жанубий Ўзбекистон шароитида олиб борилмаган бўлиб, сўқир қандалаларнинг тур таркиби, турли ландшафтлар бўйича тарқалиши, ўсимликлар билан трофик алоқалари, доминант турларининг биоэкологияси, зарарли турларига қарши уйғунлашган кураш усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Зоология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А9-Т006 «Жанубий Ўзбекистон ғўза-беда агробиоценозларида қандалалар (Hemiptera: Miridae) популяцияси ҳолатини баҳолаш ва улар популяция сонини бошқариш усулларини ишлаб чиқиш» амалий лойиҳаси (2015-2017), Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институтининг ВА-КХФ-5-001 «Ўзанинг ўсимликхўр қандалалар билан зарарланишининг олдини олиш ва қарши кураш усуллари ҳамда воситаларини яратишнинг илмий-амалий асослари» (2017-2020) ҳамда А-КХ-2019-39 «Ўзада беда қандаласи ва бошқа тур ўсимликхўр қандалаларга қарши курашда самарали агротехнологияларни ишлаб чиқиш» (2020-2022) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Жанубий Ўзбекистон сўқир қандалаларининг тур таркибини аниқлаш, таксономик ҳолатини баҳолаш, биоэкологиясини асослаш ва зарарли турлар сонини бошқаришга доир тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Жанубий Ўзбекистон сўқир қандалаларининг тур таркибини аниқлаш;  
Қандалаларнинг биоэкологияси ва ўсимликлар билан трофик алоқаларини изоҳлаш;

Жанубий Ўзбекистон сўқир қандалаларининг ландшафтлар бўйича тақсимланишини таҳлил этиш;

Ўза ҳосил элементларининг қандалалар томонидан зарарланиш механизмларини очиқ бериш;

Қандалаларнинг ғўзадаги зарар келтириш даражаларини аниқлаш;

Зарарли қандалаларга қарши самарали кураш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Жанубий Ўзбекистонда тарқалган сўқир қандалалар фаунасининг турлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Сўқир қандалаларнинг фаунаси, биоэкологик хусусиятлари, биохилма-хиллиги ва уларнинг зарарли фаолиятини

бошқаришда кимёвий препаратларнинг самарадорлиги ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда энтомологик, экологик ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Жанубий Ўзбекистон сўқир қандалаларининг фаунасининг замонавий ҳолати таҳлил қилиниб, 5 кенжа оила ва 30 авлодга мансуб 57 тури аниқланган;

Жанубий Ўзбекистон ҳудудида аниқланган сўқир қандалалардан, *Myrmecophyes* (Fieber, 1870) авлодига мансуб *Myrmecophyes alboornatus* (Stal, 1858) тури Ўзбекистон фаунаси учун, *Creontiades* (Distant, 1883) авлоди ва шу авлодга мансуб *Creontiades pallidus* (Rambur, 1839) тури ва *Deraeocoris* (Kirschbaum, 1856) авлодига мансуб *Deraeocoris rutilus* (Herrich-Schaeffer, 1838) турлари учун илк Марказий Осиё фаунаси учун аниқланган;

Жанубий Ўзбекистон сўқир қандалаларининг биоценоз ва агроценозларда тарқалган 12 оилага мансуб 51 та ўсимлик турлари билан озикланиши (трофик алоқалари) очиб берилган;

Жанубий Ўзбекистон сўқир қандалаларининг табиий ва агроландшафтлар бўйича тарқалиши асосланган;

Жанубий Ўзбекистон ғўза агробиоценозида ғўза қандаласининг тарқалиши ва зарари баҳоланган ҳамда уларга қарши кураш усуллари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Жанубий Ўзбекистон сўқир қандалаларининг фаунистик таҳлили ҳамда уларнинг биоэкологиясига оид маълумотлар асосида минтақада сўқир қандалаларини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш юзасидан чоратadbирлар ишлаб чиқилган;

сўқир қандалаларнинг доминант турларини қишлоқ хўжалиги агробиоценозларида тарқалиш ва ривожланиш даражаси аниқланган;

ғўза қандаласининг ғўзага келтирадиган зарари баҳоланган;

ғўза қандаласига қарши Агрофос-Д (*циперметрин* + *хлорпирифос*) ва БИ-58 (*диметоат*) препаратларининг биологик самарадорлиги юқори экани аниқланган ва экин майдонларига зараркунандалар тарқалишининг олдини олиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда классик ва замонавий усулларнинг қўлланилганлиги ҳамда илмий ёндашувлар, таҳлиллар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, уларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, илмий ҳамжамият томонидан давлат фундаментал лойиҳаларини бажариш давомида тан олинганлиги, популяцион маълумотларни замонавий дастурлар асосида (BioStat, 2007) статистик таҳлил қилинганлиги, амалий натижаларни ваколатли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Жанубий Ўзбекистон агробиоценозлари



сўқир қандалалари фаунасини тўлиқ таҳлил қилинганлиги ва улар тарқалишининг замонавий ҳолати баҳоланганлиги, янги турларнинг қайд қилинганлиги, биологик хилма-хиллигига ва ҳаёт шаклларига асосан экологик гуруҳларининг тавсифланганлиги, қандалаларнинг экологик мониторинг қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жанубий Ўзбекистон сўқир қандали хашаротларининг ландшафтлар ва агробиценозлар бўйича тақсимланиши, ғўза ҳосил элементларига зарар келтириш механизмлари очиб берилганлиги, ғўза ва бошқа хўжалик экинларида зарарли турларга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жанубий Ўзбекистон (Hemiptera: Miridae) сўқир қандалалари (фаунаси, экологияси, хўжалик аҳамияти) мавзуси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ўзанинг ўсимликхўр қандалалар билан зарарланишининг олдини олиш ва қарши кураш усуллари ҳамда воситаларини яратишнинг илмий-амалий асослари», «Ўза майдонларида зараркунандаларга қарши кимёвий воситаларини қўллаш», «Ўзани асосий зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш» юзасидан амалий тавсиялар «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ амалиётига жорий қилинган («Ўзагрокимёҳимоя» АЖ нинг 2020 йил 16 сентябрдаги № 01-12/554-сон маълумотномаси). Натижада ғўзада Агрофос-Д (*циперметрин* + *хлорпирифос*) ва БИ-58 (*диметоат*) препаратларининг ғўза қандаласига нисбатан 85-90% биологик самарадорликка эришиш имконини берган;

жанубий Ўзбекистонда тарқалган сўқир қандалаларнинг 5 та кенжа оила, 7 триба, 30 авлод 57 турга мансуб жами 524 та намуналари республикада етакчи бўлган «Зоология коллекцияси» ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2020 йил 11 сентябрдаги 4/1255-1882-сон маълумотномаси). Натижада, намуналар сўқир қандалалар фондини бойитган ва қандалалар турлари хилма-хиллигини аниқлаш ва турларни систематик таҳлил қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 10 та республика ва 2 таси хорижий журналларда, шунингдек 1 та услубий қўлланма ва 5 та амалий тавсиянома нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий ахамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сўқир қандалаларни ўрганишга доир адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи боб учта бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда сўқир қандалаларнинг биологияси ва экологиясини хорижий давлатларда ўрганилиш даражаси баён этилган бўлиб, унда сўқир қандалаларнинг дастлабки ўрганилиш тарихи, бугунги кундаги тур таркиби, доминант турлар биологияси ва экологияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар ўз ифодасини топган. Биринчи бобнинг иккинчи бўлимида сўқир қандалаларнинг Марказий Осиё шунингдек, Ўзбекистонда бугунги кунгача олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган. Биринчи бобнинг учинчи бўлимида эса қишлоқ хўжалиги экинларига зарар келтирувчи турларининг биоэкологик хусусиятлари ва уларга қарши курашда дунё миқёсида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижалари баён этилган.

Хусусан, сўқир қандалалар фаунаси, биоэкологик хусусиятлари ва зарарли турларига қарши кураш ишлари бўйича адабиёт маълумотлари таҳлил этилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Сўқир қандалаларни ўрганиш услублари ва тадқиқот материаллари**» деб номланган бўлиб, унда йиғилган материал ҳажми, тадқиқот материали ва тажриба ўтказилган жой ҳамда қўлланилган услублар ҳақида маълумотлар келтирилган. Тадқиқот ишлари 2015-2020 йиллар давомида жанубий Ўзбекистоннинг Сурхондаё ва Қашқадарё вилоятларининг туманларидаги кластер, фермер ва шахсий хўжаликларда олиб борилган. Ушбу давр мобайнида жанубий Ўзбекистон ҳудудларининг 72 та координата нуқталаридан Кириченко (1957) нинг қандалаларни йиғиш ва тур даражасини аниқлаш ҳамда Голуб В.Б., Цуриков М.Н, Прокин (2012) ларнинг ҳашаротларни йиғиш, коллекция таёрлаш ва сақлаш каби усуллардан фойдаланиб, жами личинка ва имаго босқичидаги 8000 дан ортиқ сўқир қандалалар йиғилиб, Зоология институти Энтомофаглар экологияси ва биоусулларнинг назарий асослари лабораториясида таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «**Жанубий Ўзбекистон сўқир қандалаларнинг тур таркиби ва токсономик тавсифи**» деб номланган учинчи бобида жанубий Ўзбекистон сўқир қандалалар систематик ҳолатига оид тадқиқот натижалари тақдим этилган.

Бу бобда қандаланинг тури, аниқланган жойи, муддати, ўсимлиги, биоэкологияси ва тарқалиши тўғрисида маълумотлар ўз ифодасини топган.


Олиб борилган тадқиқотлар натижасида жанубий Ўзбекистоннинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари табиий ва агроценозларида тарқалган яримқаттиққанотсимон ҳашаротларнинг Miridae оиласига мансуб турларининг фаунаси таксономик таркибига кўра фаунадаги кенжа оилалар сони 5 та (Mirinae, Orthotylinae, Phylinae, Deraeocorinae, Bryocorinae)ни, авлодлар сони 30 тани, турлар сони эса 57 тани ташкил этади (1-жадвал).

1-жадвал

**Жанубий Ўзбекистонда тарқалган сўқир қандалаларнинг  
таксономик тақсимланиши**

№	Кенжа оила	Авлод сони	Тур сони
1	Bryocorinae	3	3
2	Deraeocorinae	1	3
3	Mirinae	15	32
4	Orthotylinae	4	9
5	Phylinae	7	10
<b>Жами:</b>	<b>5</b>	<b>30</b>	<b>57</b>

Жанубий Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан аниқланган сўқир қандалалар оиласининг авлодлари сонининг кенжа оилалар бўйича тақсимланишига кўра энг кўпи Mirinae кенжа оиласига мансубдир, у 15 авлодни (30 %), энг кам Deraeocorinae кенжа оиласига мансуб бўлиб, у 1 авлодни (3 %) ташкил этади. Шунингдек, сўқир қандалалар оиласининг турлари миқдорининг кенжа оилалар бўйича тақсимланганида Bryocorinae кенжа оиласига мансуб 3 тур (5 %), Deraeocorinae кенжа оиласи ҳам 3 тур (5 %), Mirinae кенжа оиласи 32 тур (56 %), Orthotylinae кенжа оиласи 9 тур (16 %), Phylinae кенжа оиласи эса 10 турни ўзига бирлаштиради ва умумий турлар сонининг 18 % ни ташкил этади (1-расм).



**1-расм. Жанубий Ўзбекистонда тарқалган сўқир қандалалар турларининг кенжа оилалар кесимида тақсимланиши.**

Изланишлар жараёнида Жанубий Ўзбекистон ҳудудларидан аниқланган сўқир қандалаларнинг Orthotylineae (Van Duzee, 1916) кенжа оиласи *Myrmecophyes* (Fieber, 1870) авлодига мансуб *Myrmecophyes alboornatus* (Stal, 1858) тури Ўзбекистон фаунаси учун илк бор аниқланган бўлса, Deraeocorinae (Douglas & Scott, 1865) кенжа оиласининг Deraeocoris (Kirschbaum, 1856) авлодига мансуб *Deraeocoris rutilus* (Herrich - Schaeffer, 1838) тури ва Mirinae кенжа оиласига мансуб *Creontiades* (Distant, 1883) авлоди ва шу авлодга мансуб *Creontiades pallidus* (Rambur, 1839) тури илк бор Ўрта Осиё фаунаси учун кўрсатилди.

Диссертациянинг «**Жанубий Ўзбекистон сўқир қандалаларининг биоэкологик хусусиятлари ва тарқалиши**» деб номланган тўртинчи боби тўртта бўлимдан иборат бўлиб, Жанубий Ўзбекистон сўқир қандалаларининг биоэкологик хусусиятлари ва турли ландшафтлар, агроценозларда тарқалиш таҳлилига бағишланган.

Бобнинг биринчи бўлимида жанубий Ўзбекистондан аниқланган сўқир қандалаларнинг ҳаётий шакллари келтирилган. Бунда қандалалар ҳаёт шаклига кўра 4 та асосий ва 3 та оралиқ гуруҳларга ажратилган.

1. Хортобионтлар- ўт ўсимликлар қопламида яшашга мослашган турлар:

а) икки уруғпаллали хортобионтлар, икки уруғпаллали ўсимликларда қопламида яшашга мослашган турлар. Уларга *Dicyphus orientalis orientalis*, *Macrolophus pygmaeus*, *Nesidiocoris tenuis*, *Deraeocoris punctulatus*, *Deraeocoris serenus*, *Deraeocoris rutilus*, *Adelphocoris lineolatus*, *Adelphocoris seticornis*, *Brachycoleus decolor*, *Capsus ater*, *Capsus cinctus*, *Creontiades pallidus*, *Lygus rugulipennis*, *Lygus pratensis*, *Lygus gemellatus*, *Lygus punctatus*, *Orthops basalis*, *Orthops campestris*, *Orthops kalmi*, *Polymerus cognatus*, *Polymerus brevicornis*, *Polymerus unifasciotus*, *Polymers vulneratus*, *Phytocoris turkestanicus*, *Phytocoris undulates*, *Phytocoris arbusticola*, *Stenotus binotatus*, *Myrmecophyes alboornatus*, *Orthotylus turanicus*, *Orthotylus flavosparsus*, *Orthotylus eleagni*, *Anonychiella brevicornis*, *Atomoscelis onusta*, *Plagiognathus chrysantemi*, *Plagiognathus bipunctatus*, *Camptotylus bipunctatus*, *Campylomma annulicorne*, *Campylomma verbasci*, *Campylomma diversicorne* турлар киради. Бу гуруҳга 39 турдаги сўқир қандалалар мансуб бўлиб, 68,4 % ни ташкил қилади.

б) бошоқли хортобионтлар, бир уруғпаллала ўсимликлар қопламида яшашга мослашган турлар. Уларга *Megaloceroea recticornis*, *Notostira elongata*, *Notostiraerratica*, *Stenodema calcarata*, *Stenodema laevigata*, *Stenodematuranica*, *Stenodema virens*, *Trigonotylus ruficornis*, *Trigonotylus pulchellus* турлари мансуб бўлиб 15,8 % (9 тур) ни ташкил этади.

в) қиёқ бошоқли хортобионт, дарё қирғоқлари тўқайларда камиш ва қиёқлар билан озикланувчи турлар. Бу гуруҳга *Leptopterna dolobrata* тури мансуб бўлиб умумий турлар ичида 1,8 % (1 тур) ни ташкил этади.

2. Дендробионтлар-дарахт ўсимликларда яшашга мослашган турлар. Улар *Agnocoris rubicundus*, *Orthotylus turcomenorum*, *Orthotylus oshanini*, *Psallus anticus* турларидан иборат бўлиб, 5,3 % (3 тур) ни ташкил этади.

3. Тамнобионтлар - дарахт ва бутазорларда яшашга мослашган турлар. Бу грухга *Turponia elegans* тури мансуб бўлиб, улуши умумий турлар ичида 1,8 % (1 тур) га тенг.

4. Тамно-хортобионтлар- бута ва ўт ўсимликларда яшашга мослашган турлар. Бу грухга *Halticus pusillus*, *Halticus apterus*, *Malacocoris chlorizans* турлари мансуб бўлиб, улар умумий турлар ичида 5,3 % (3 тур) ни ташкил этади.

Сўқир қандалалар оиласининг аксарият турлари фитофил (ўт ўсимликлар қопламида яшовчи) лар бўлгани учун ҳаёт шаклига кўра ўсимликхўр хортобионтлар ҳисобланади. Шунга асосан олиб борилган тадқиқотларимизда аниқланган 57 тур сўқир қандалаларнинг 86,0 % (49 тур) ни хортобионтлар (икки уруғпаллали хортобионтлар, бошоқли хортобионтлар, қиёқ бошоқли хортобионт) ташкил этди (2-жадвал).

2 -жадвал

### Жанубий Ўзбекистонда тарқалган сўқир қандалаларнинг ҳаёт шакллари

№	Қандалаларнинг ҳаёт шакли	Тур сони	%	
1.	Хортобионтлар	Икки уруғпаллали хортобионтлар	39	68,4
		Бошоқли хортобионтлар	9	15,7
		Қиёқ бошоқли хортобионт	1	1,8
2.	Дендробионтлар	4	7,0	
3.	Тамнобионтлар	3	5,3	
4.	Тамно-хортобионтлар	1	1,8	
<b>Жами:</b>		<b>57</b>	<b>100</b>	

Бобнинг иккинчи бўлимида сўқир қандалаларнинг озуқа манбаларига ихтисослашиши келтирилиб, бунда Пучков (1966), Асанова, Искаков (1976), Есенбекова (2013) ларнинг услубларидан фойдаланилган. Тадқиқотларда аниқланган сўқир қандалалар турларини озуқага ихтисослашиш кенглигига қараб таҳлил қилиниб, улар учта гуруҳга мансублиги аниқланди.

1. Фитофаглар (фақат ўсимликлар билан озукланувчи турлар) –38 турни ташкил этиб, улар ўз навбатида 2 гуруҳга ажратилди.

а) Полифаглар (бир ва икки уруғпаллали ўсимликлар синфининг бир неча оилаларига мансуб ўсимликлар билан озикланадиган турлар) –18 турни ташкил этди.

б) Олигофаглар (бир неча оилаларга мансуб ўсимликлар билан озикланадиган турлар) - 20 тани ташкил этиб, улар ўз навбатида кенг (17 тур) ва тор доирадаги олигофаглар (3 тур) га ажратилди.


2. Зоофаг (фақат ҳашаротлар ва уларнинг тухум ҳамда личинкалари билан озикланадиган турлар) - *Nesidiocoris* (Kirkaldy, 1902) авлодига мансуб *Nesidiocoris tenuis* (Reuter, 1895) тури мансублиги аниқланди.

3. Зоофитофаглар (ҳашаротлар шунингдек фитогадлар каби ўсимликлар билан ҳам озикланадиган турлар) - сони 18 тани ташкил этди (3-жадвал).

**Жанубий Ўзбекистонда тарқалган сўқир қандалаларнинг озуқа манбаларига кўра гуруҳланиши**

Озиқланиш гуруҳи		Турлар	Сони
Зоофаглар		<i>Nesidiocoris tenuis.</i>	1
Зоофитофаглар		<i>Dicyphus orientalis orientalis, Macrolophus pygmaeus, Deraeocoris punctulatus, Deraeocoris serenus, Deraeocoris rutilus, Phytocoris arbusticola, Phytocoris turkestanicus, Phytocoris undulates, Malacocoris chlorizans, Stenodema calcarata, Orthotylus turcmenorum, Orthotylus oshanini, Plagiognathus chrysantemi, Plagiognathus bipunctatus, Campylomma annulicorne, Campylomma verbasci, Campylomma diversicorne, Psallus anticus.</i>	18
Фитофаг	Полифаглар	<i>Adelphocoris lineolatus, Agnocoris rubicundus, Brachycoleus decolor, Creontiades pallidus, Lygus rugulipennis, Lygus pratensis, Lygus gemellatus, Lygus punctatus, Polymerus cognatus, Polymerus unifasciotus, Polyments vulneratus, Myrmecophyes alboornatus, Orthotylus turanicus, Orthotylus flavosparsus, Orthotylus eleagni, Anonychiella brevicornis, Plagiognathus chrysantemi, Camptotylus bipunctatus,</i>	18
	Кенг олигофаглар	<i>Adelphocoris seticornis, Capsus ater, Capsus cinctus, Orthops basalis, Orthops campestris, Orthops kalmi, Stenotus binotatus, Leptopterna dolobrata, Megaloceroea relicticornis, Notostira elongata, Notostira erratica, Stenodema laevigata, Stenodema turanica, Stenodema virens, Trigonotylus ruficornis, Trigonotylus pulchellus, Atomoscelis onusta.</i>	17
	Топ олигофаглар	<i>Halticus pusillus, Halticus apterus, Tuponia elegans.</i>	3
	<b>Жами:</b>		<b>57</b>

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики тадқиқотлар олиб борилган ҳудудлардан аниқланган 57 тур сўқир қандалаларнинг озикланишига кўра зоофаглар 1 тур, зоофитофаглар 18 тур, полифаглар 18 тур ва олигофагларга 20 тур мансуб экани маълум бўлди (2-расм).



**2-расм. Аниқланган сўқир қандалалар турларининг озикланишига кўра гуруҳланиши.**

Бобнинг учинчи бўлими сўқир қандалалар ҳаётий циклининг асосий характеристикасини ўрганишга бағишланган. Олиб борилган фенологик кузатувлар ҳамда адабиётлар таҳлили асосида жанубий Ўзбекистонда тарқалган сўқир қандалаларнинг ривожланиш цикли 3 та асосий гуруҳга ажратилди.

**1. Моновольтин турлар** (йилда бир марта насл берадиган турлар) – Буларга *Dicyphus orientalis orientalis*, *Agnocoris rubicundus*, *Brachycoleus decolor*, *Capsus ater*, *Capsus cinctus*, *Phytocoris turkestanicus*, *Stenotus binotatus*, *Leptopterna dolobrata*, *Megaloceroea recticornis*, *Halticus pusillus*, *Halticus apterus*, *Myrmecophyes alboornatus*, *Malacocoris chlorizans*, *Orthotylus oshanini*, *Anonychella brevicornis*, *Plagiognathus bipunctatus*, *Camptotylus bipunctatus*, *Psallus anticus*, *Tuponia elegans* турлари мансуб. Улар 19 турдан иборат сўқир қандалалар бўлиб, умумий турлар ичида 33 % ни ташкил этади.


**2. Бивольтин турлар** (йилда икки марта насл берадиган турлар) – Буларга *Macrolophus pygmaeus*, *Nesidiocoris tenuis*, *Deraeocoris serenus*, *Deraeocoris rutilus*, *Lygus rugulipennis*, *Orthops basalis*, *Orthops campestris*, *Orthops kalmi*, *Polymerus brevicornis*, *Stenodema calcarata*, *Stenodema laevigata*, *Stenodema turanica*, *Stenodema virens*, *Polymerus brevicornis*, *Polymerus unifasciotus*, *Polyments vulneratus*, *Phytocoris undulates*, *Trigonotylus pulchellus*, *Orthotylus turanicus*, *Orthotylus flavosparsus*, *Orthotylus turcmenorum*, *Orthotylus eleagni* турлари мансуб. Улар 23 турдан иборат сўқир қандалалар бўлиб, умумий турлар ичида 41 % ни ташкил этади.

**3. Поливольтин турлар** (йилда 3 ва ундан ортиқ насл берадиган турлар) – Буларга *Deraeocoris punctulatus*, *Adelphocoris lineolatus*, *Adelphocoris seticornis*, *Creontiades pallidus*, *Lygus pratensis*, *Lygus gemellatus*, *Polymerus cognatus*, *Campylomma annulicorne*, *Campylomma verbasci*, *Campylomma*

*diversicorne* турлари мансуб. Улар 15 турдан иборат сўқир қандалалар бўлиб, умумий турлар ичида 26 % ни ташкил этади (3-расм).

Шунингдек тадқиқотларда аниқланган сўқир қандала турларининг кишки тиним даврини тухум ёки имаго ҳолатида ўтказиши олиб борилган илмий тадқиқот ишлари ва адабиёт маълумотлари асосида ўрганилган.

Унга қўра сўқир қандалаларнинг *Dicyphus*, *Deraeocoris*, *Adelphocoris*, *Capsus*, *Polymerus*, *Stenotus*, *Leptopterna*, *Megaloceroea*, *Trigonotylus*, *Halticus*, *Myrmecophyes*, *Malacocoris*, *Anonychiella*, *Atomoscelis*, *Plagiognathus*, *Camptotylus*, *Campylomma*, *Psallus*, *Tuponia* каби 19 та авлодга мансуб жами 31 (54 %) турлари тиним даврини тухум ҳолатида, шунингдек *Macrolophus*, *Nesidiocoris*, *Agnocoris*, *Brachycoleus*, *Creontiades*, *Lygus*, *Orthops*, *Phytocoris*, *Notostira*, *Stenodema*, *Orthotylus* каби 11 авлодга мансуб жами 26 (46 %) турлари вояга етган (имаго) ҳолда ўтказиши маълум бўлди.




**3 -расм. Сўқир қандалаларнинг фенологик ҳаёт цикллари**

Бобнинг тўртинчи бўлими сўқир қандалаларнинг турли ландшафтлар ва агроценозлар кесимида тарқалишига бағишланган.

Бунга асосан, тадқиқотлар олиб борилган ҳудудларда аниқланган сўқир қандалаларни 4 та ландшафт (тоғ ва тоғ олди, агроландшафтлар, чўл ва чалачўл, тўқай) кесимида таҳлил қилинган. Олиб борилган илмий изланишлар натижасида аниқланган сўқир қандалаларнинг тоғ ва тоғ олди ландшафтларида 42 тур (73,6 %), агроландшафтларда 36 тур (63,2 %), тўқайларда 28 тур (49,1 %) ҳамда чўл ва чалачўл ландшафтларида 19 тури (33,2 %) тарқалганлиги қайд қилинди (4-расм).






**4-расм. Жанубий Ўзбекистон сўқир қандала турларининг ландшафтлар бўйича тақсимланиши**

Шунингдек олинган натижалар таҳлили бўйича сўқир қандалаларнинг кишлоқ хўжалиги агроценозларида 30 тури тарқалгани маълум бўлди.

Унга кўра бедада 29 тур (96,6 %), бошоқли экинларда 16 тур (53,3 %), ғўзада 15 тур (50 %), помидорда 9 тур (30,0 %), полиз экинларида 8 тур (26,6 %), дуккакли экинларда 12 тур (40,0 %), лавлагидида 10 тур (33,3 %) ҳамда укроп (шивит) ўсимлигида уларнинг 13 тури (43,3 %) тарқалганлиги аниқланди (6-расм).



**5-расм. Қишлоқ хўжалиги агробиоценозларида тарқалган сўқир қандалалар**

Бедазорларда сўқир қандалаларнинг 29 турининг тарқалиши аниқланган бўлсада, уларнинг 10 тури (поливольтин турлар- *Adelphocoris lineolatus*, *Creontiades pallidus*, *Stenodema calcarata*, *Lygus pratensis*, *Lygus gemellatus*, *Trigonatylus ruficornis*, *Campylomma verbasci*, *Polymerus brevicornis*, *Polymerus*

*cognatus*, *Deraeocoris punctulatus*) кўп ҳолларда доимий учраши кузатилди. Улар орасида *Adelphocoris lineolatus*, *Creontiades pallidus*, *Lygus pratensis* мутлоқ доминант бўлиб, умумий турларнинг 70-80 % ни ташкил этади. Тадқиқотларда бу уч турнинг жанубий ва шимолий ҳудудлар беда агробιοценозларида турлича нисбатда учраши кузатилди. Сурхондарёнинг жанубий Термиз, Музробод туманларида *Adelphocoris lineolatus* (беда қандаласи), *Creontiades pallidus* (ғўза қандаласи), шимолий Узун ва Сариосиё туманларида эса *Lygus pratensis* (дала қандаласи) тури доминантлик қилиши кузатилди. Ҳусусан 2016 йил май ойида Термиз туманидаги доимий тадқиқотлар олиб борадиган беда 20 гектарли беда даласида энтомологик сачокнинг 20 жуфт ҳаракатига беда қандаласи ўртача 60 тага тўғри келиши кузатилган бўлса, *Stenodema calcarata*, *Trigonatylus ruficornis* турлари озикланишига бир уруғпаллали ўсимликларга ихтисослашганлиги сабабли мининал сонда учраши кузатилди. Аммо беда қандаласининг тажриба майдондаги доминантлиги фақат баҳор ойида кузатилиб, ёз ва куз ойларида унинг ўрнини ғўза қандаласи (*Creontiades pallidus*) эгаллайди.

Диссертациянинг «**Ғўза қандаласининг тарқалиши, зарари ва унга қарши кураш чоралари**» деб номланган бешинчи боби 3 бўлимдан иборат. Бобнинг биринчи бўлимида ғўза қандалаласининг ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларида тарқалиш сони ва муддатлари тўғрисида олинган натижалар келтирилган. Унга кўра ғўза қандаласининг дастлаб Сурхондарё вилоятининг жанубий Термиз ҳамда Музробот туманларида учраши келтирилган. Шунингдек ғўза қандаласининг илк бор Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида тарқалиши келтирилган.

Бобнинг иккинчи бўлимида ғўза қандалаласининг ғўза ҳосил элементларидаги зарарининг морфологик белгилари, ҳосилдорликка келтирадиган зарари бир неча тажрибалар асосида ўрганилиб, ғўза қандаласи ғўзага эрта июн ойининг биринчи декадасида 10 туп ғўзага 5 донадан қандала тўғри келганда ҳосилдорлик назоратга нисбатан 18,1 ц/га (48,2 %), 10 туп ғўзага 10 донадан қандала тўғри келганда эса 23,6, ц/га (62,9 %) га йўқотилиши ўрганилган. Кечроқ июл ойининг биринчи декадасида 10 туп ғўзага 5 тадан қандала тўғри келганда ҳосилдорлик назоратга нисбатан 4,7 ц/га (12,5 %), 10 туп ғўзага 10 тадан қандала тўғри келганда эса ҳосилдорлик назоратга нисбатан 10,1 ц/га (26,9 %) га йўқотилиши кузатилган. Шунингдек ғўзанинг ҳар бир ҳосил элементлари (шона, гул, кўсак) биттадан ғўза қандаласи билан маҳсус зарарлантирилиб, назоратга нисбатан ғўза шоналарининг тўкилиши кунлар бўйича 3-кун 17 %, 5-кун 44%, 7-кун 72 %, 9-кунга келиб 100% га етгани. Назорат вариантыдаги ҳосилнинг 10 % табиий (ташқи муҳит омиллари таъсирида) тўкилиши кузатилган. Ғўза гулларининг тўкилиши кунлар бўйича 3-кун 16 %, 5-кун 58 %, 7-кун 89 %, 9-кунга келиб 100% га етган. Ғўза кўсакларининг (1,5-2,0 см) тўкилиши кунлар бўйича 3-кун 65 %, 5-кун 85 %, 7-кун 90 %, 9-кунга келиб 100% га етган. Назорат вариантыдаги ҳосилнинг 30 % табиий тўкилиши кузатилган.

Бобнинг учинчи бўлими ғўза қандаласига қарши кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлигини аниқлашга қаратилган. Тажриба

7 та вариантдан иборат бўлиб, назоратга нисбатан 6 та дори синалди (5-жадвал).

5-жадвал

### Вўза қандаласига қарши инсектицидларнинг биологик самарадорлиги (n=5)

Сурхондарё вилояти Музробод тумани, ОВХ-28 – 300 л/га, 2018 й.

№	Вариантлар	Таъсир этувчи моддаси	Дори сарфи кг, л/га	10 та ўсимликда қандаланинг ўртача сони, дон			Биологик самарадорлик, %			
				Ишлов гача	Ишловдан сўнг, кунлар бўйича		1	3	7	
					1	3				7
1	Далете Плюс, % эм.к	лямбдаци голотрин	0,5	14,0	2,7	3,3	8,6	82,3±1,3	79,4±1,2	50,3±0,8
2	Агрофос-Д 60 % эм.к.	циперметрин + хлорпирифос	1,0	15,4	0,2	0,6	1,2	98,8±1,5	96,6±1,5	94,8±1,5
3	Энтолучо, 20 % эм.к.	имидаклоп рид	0,5	18,3	7,4	9,9	14,7	62,6±1,1	52,4±0,7	27,0±0,2
4	Имитрин 20 % эм.к.	имидаклоп рид + бифентрин	0,33	16,6	4,5	6,3	9,8	75,0±1,3	66,6±1,1	59,0±0,9
5	Дельтацис, 25% эм.к.	дельтаметрин	0,7	16,3	7,8	11,9	15,4	55,8±0,5	35,8±0,3	12,1±0,1
6	Би-58, 40 % эм.к	диметоат	1,0	11,5	0,4	1,0	1,9	96,8±1,5	93,1±1,5	86,6±1,2
7	Назорат	-	-	13,0	14,2	14,9	16,0	-	-	-

Тажрибаларнинг еттинчи куни олинган натижаларга кўра ўза қандаласига қарши Агрофос-Д (т.э.м. *циперметрин* + *хлорпирифос*) ва БИ-58 (т.э.м. *диметоат*), препаратлари 94,8-86,6 % биологик самарага эга бўлди.

### ХУЛОСАЛАР

“Жанубий Ўзбекистон сўқир қандалалари (Hemiptera: Miridae) фаунаси, биологияси, хўжалик ахамияти” мавзусидаги биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Жанубий Ўзбекистонда қандалаларнинг Miridae оиласига мансуб 5 кенжа оила, 7 триба, 30 авлодга таълуқли 57 турдан иборат бўлган таксономик таркиби илк бор келтирилган.

2. Жанубий Ўзбекистон ҳудудида аниқланган сўқир қандалалардан, *Myrmecophyes alboornatus* тури Ўзбекистон фаунаси учун, *Creontiades* авлоди ва шу авлодга мансуб *Creontiades pallidus* ва *Deraeocoris rutilus* турлари Марказий Осиё фаунаси учун биринчи бор қайд этилди.

3. Турларнинг кенжа оилалар кесимида тақсимланишига кўра, Mirinae 32 тур (жами турларнинг 56,1 %), Phylinae 10 тур (17,5 %), Orthotylinae 9 тур (15,8 %) етакчилик қилса, Bryocorinae ва Deraeocorinae кенжа оилаларининг

тур таркиби бўйича хилма-хиллиги камлиги (3 тур - 5,3 %) билан ажралиб туради.

4. Аниқланган сўқир қандалалар табиий ва агроландшафтларда тақсимланишига кўра, тоғ ва тоғ олди (42 тур - 73,6 %), агроландшафтлар (36 тур – 63,2 %), чўл ва чалачўл (19 тур – 33,2 %) ҳамда тўқайлар (28 тур – 49,1%) тартибда классификация қилинди.

5. Сўқир қандалалар ҳаёт шаклига кўра, 49 тури (85,9 %) хортобионтлар, 4 тури (7 %) дендробионтлар, 3 тури (5,3 %) тамнобионтлар ва 1 тури (1,8 %) эса тамно-хортобионтларнинг вакили саналади, шунингдек фенологик хусусиятларига кўра уларнинг 19 тури (33 %) моновольтин, 23 тури (41 %) бивольтин ва 15 тури (26 %) поливольтин гуруҳларига мансубдир.

6. Озиқланиш ихтисослиги бўйича сўқир қандалалардан 1 тури (1,8 %) зоофаг, 18 турдан (31,6 % дан) полифаг ва зоофитофагларни, 20 тури (35 %) олигофагларни ташкил этади.

7. Аниқланган 57 тур сўқир қандалаларнинг биоценозларда тарқалган 12 оиланинг 51 та ўсимлик турлари билан озиқланиши (трофик алоқалари) таҳлил этилиб, қишлоқ хўжалиги агроценозларида 30 тур, хусусан, бедада 29 тур, бошоқли экинларда 16 тур, ғўзада 15 тур, шивит (укроп) да 13 тур, дуккакли экинларда 12 тур, лавлагида 10 тур, помидорда 9 тур, полиз экинларида 8 тур тарқалганлиги маълум бўлди.

8. Жанубий Ўзбекистон ғўза агроценозларида *C. pallidus* турининг тарқалиши, ҳосил элементларига зарари, унинг турли муддатларда 100 туп ғўзага 50 ва 100 дондан тўғри келганида ҳосилдорлик 12,5 % дан 62,9 % гача камайиб кетади ва унга қарши Агрофос-Д (*циперметрин* + *хлорпирифос*), БИ-58 (*диметоат*) кимёвий препаратларини 1,0 л/га сарф меъёрида қўллаш тавсия этилади. Ишлов берилгандан сўнг 7-куни 94,8 % ва 86,6 % биологик самарадорликка эришиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ЗООЛОГИИ**

---

**ИНСТИТУТ ЗООЛОГИИ**

**МУСАЕВ ДИЛШОД МУХАММАДЖАНОВИЧ**

**КЛОПЫ - МИРИДЫ (HEMIPTERA: MIRIDAE) ЮЖНОГО  
УЗБЕКИСТАНА**  
(фауна, экология, хозяйственное значение)

**03.00.06 – Зоология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.1.PhD/B165.**

Диссертационная работа выполнена в Институте зоологии Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.zoology.uz](http://www.zoology.uz)) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Холматов Бахтиёр Рустамович</b> доктор биологических наук
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Медетов Махсетбай Жапакович</b> доктор биологических наук <b>Зокиров Исломжон Илхомжонович</b> доктор биологических наук
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Ташкентский государственный педагогический университет</b>

Защита диссертации состоится 23 декабря 2020 года в 13<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.B.52.01 при Институте зоологии (Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Богишамол, дом 232<sup>б</sup>. Актовый зал Института зоологии. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: [zoology@academy.uz](mailto:zoology@academy.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института зоологии (зарегистрировано за № ...). Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Богишамол, дом 232<sup>б</sup>. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60.

Автореферат диссертации разослан «11» декабрь 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № 6 от «11» декабрь 2020 года)

**Д.А. Азимов**

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор, академик

**Г.С. Мирзаева**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, к.б.н., старший научный сотрудник

**Э.Б. Шакарбоев**

Председател Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Во всём мире климатические изменения и антропогенные факторы становятся причиной изменения негативного воздействия фаунистических компонентов в агроценозах и появления новых вредителей. Особенно, за последние 10-15 лет примерно 20 видов слепняков, относящихся к родам *Creontiades*, *Lygus* и *Apolygus*, широко распространились в агросистемах хлопковых полей США, Китая, Австралии, Индии, Конго, Судана и Египта, и доставляют огромный ущерб их урожаю. Большинство слепняков являются травоядными, и питаются более 200 видами различных растений. В США слепняк *Lygus hesperus* каждый год наносит ущерб урожаю хлопчатника на 30 млн., и на 40 млн. долларов США на других сельскохозяйственных культуры. В штате Калифорния слепняки составляют 10% всех вредителей сельского хозяйства, и каждый год наносят ущерб в 56 млн. долларов США<sup>1</sup>. Исходя из этого, определение распространения и видового состава слепняков, разъяснение свойств вредоносности и разработка эффективных методов борьбы с вредоносными видами имеет важное научно-практическое значение.

В мире обеспечение продовольственной безопасности будучи важной задачей настоящего времени, проводимые мероприятия по борьбе с вредоносными насекомыми при возделывании сельскохозяйственных культур требуют отдельного внимания. Несмотря на то, что большинство, слепняков являются вредителями, но среди них встречаются и их большинство полезные виды энтомофагов, которые питаются насекомыми вредителями и им уделяется отдельное внимание. В результате в настоящее время в мировом масштабе зарегистрировано 3400 видов слепняков энтомофагов, относящихся к 561 роду и 7 подсемействам внесены в список. Поэтому, разработка рекомендаций по применению биологических и химических методов борьбы на основе изучения биоэкологии вредных и полезных видов, распространённых в агроценозах, а также их трофических связей с растениями имеет важное научно-практическое значение.

В нашей республике проводятся мероприятия по защите сельскохозяйственных культур от вредоносных организмов. В этой связи, на территории с широким распространением клопов – в Сурхандарьинской области, в результате распространения *Creontiades pallidus* в период 2018 года на 143714 гектарах, и в период 2019 года на 78500 гектарах хлопковых полей, для борьбы с ним было потрачено более 10 млрд. сумов бюджетных средств. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017 - 2021 годы поставлены задачи по «профилактике вопросов, наносящих ущерб состоянию окружающей среды»<sup>2</sup>. Для выполнения поставленных задач, в частности, определение видового состава слепняков, распространённых на южных территориях нашей республики,

---

<sup>1</sup> Wheeler A.G. Biology of the Plant Bugs (Hemiptera: Miridae): Pests, Predators, Opportunists. –New York, 2001. – 507 pp.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

раскрытие их распространения в агроценозах и формирования фауны, разработка эффективных методов борьбы с вредоносными видами имеет важное научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Законе Республики Узбекистан №116-II от 31 августа 2000 года «О защите сельскохозяйственных культур от вредителей, заболеваний и сорняков», в указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, «О мерах по совершенствованию системы защиты растений и агрохимического обслуживания сельского хозяйства» от 24 октября 2016 года, в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3256 «О мерах по организации деятельности Института ботаники и Института зоологии Академии наук Республики Узбекистан» от 4 сентября 2017 года, и в протоколе собрания № 69 Кабинета Министров Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по эффективной организации борьбы с вредителями и профилактике заражения хлопчатника травоядными клопами в Сурхандарьинской области» от 9 августа 2016 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики:** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** В зарубежных странах исследования систематики, биологии, экологии и филогенезам клопов-слепняков, а также методами борьбы с вредоносными их видами, проводились следующими учёными: A. Rambur (1805; 1807; 1808; 1810), F.H. Fieber (1858), R.V. Poppius (1909), G. Slater (1950), E.B. Wagner (1955), A. Pearson (1958), L.A. Kelton (1959), H. Schmitz (1976), P. Stam (1987), J.I. Nakash (1989), R.T. Schuh (1995), E.J. Malipatil (1997), E. Chérot (1998), M. Khan (1999), S.H. Mahdi (2000; 2002), S. Rohini (2009), N. Demrel (2009), L. Hernández (2010), J. Henry (2010), T. Yasunaga (1994; 1997; 1999; 2004; 2011).

В странах СНГ исследования по изучению клопов, в частности фауне, биологии и экологических особенностях слепняков проводились учёными И.М. Кержнером (1974; 1992; 1999; 2008), В.Г. Пучковым (1977; 1978), Р.Б. Асановой (1966), Б.В. Исаковым (1976), И.С. Драполюком (1980), Д.Б. Чилдибаевым (1985), А.М. Атакишиевой (1988), Н.Н. Муминовым (1989), В.Б. Голуб (1989), Н.Н. Винокуровым (1995), И.Ф. Зайцевой (1997), Е. Валерьевной (2008), П.А. Есенбековой (2013).

В нашей республике в этой области проводили свои научные исследования И.В. Васильев (1918; 1924), С.Н. Алимухаммедов (1960), В.И. Сербинов (1930); К.Н. Завадовский (1933), Р.А. Алимджанов (1960), М.М. Останова (1957), Е.М. Соболева (1957), А.Ш. Хамраев (1992;1993; 2000; 2005; 2011; 2012;), А. Болтабаев (1995), А.Х. Кучкаров (2007), Ш.Т. Хужаев (2017; 2018; 2019; 2020).



